

Термизийнинг ривоятида:

«Аллоҳнинг ҳузурида асҳобларнинг энг яхшиси соҳибига яхши бўлганидир. Аллоҳнинг ҳузурида қўшнилarning энг яхшиси қўшнисига яхши бўлганидир», дейилган. Аллоҳ билгувчироқдир.

Шарҳ: Шунинг учун ҳам ҳар доим дўст-биродарларга ва қўшниларга яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилмоқ зарур.

Ўзига тўқ бир киши ҳайит арафасида махфий равишда қўй садақа қилмоқчи бўлди. Қўйни бир вакил орқали камбағал танишига юборди. Юбориш олдидан вакилдан танишига исмини айтмаслигини илтимос қилди.

Орадан бир неча кун ўтгач, воқеамиз қаҳрамони бозорда айланиб юрса, ҳалиги камбағал киши ҳам бозорда турган экан, ёнида эса ўзи садақа қилган қўй бор эди. Воқеамиз қаҳрамони фақир кишининг ўша қўйни сотмоқчилигини кўриб, ҳайрон бўлди ва ёнига бориб, «Қўйни нега сотмоқчисиз?» деб сўради.

Шунда фақир киши: Менга бу қўйни бир муҳсин, қўли очик киши берганди. Кўриб турганингиздек, бу жонивор каттагина. Ён қўшним бор, бечоранинг ҳайитга қўй сотиб олишга қурби етмайди. Шунинг учун қўйимни сотгани олиб келдим. Буни сотиб, пулига кичикроқ қўйдан иккита оламан-у, биттасини қўшнимга бераман» деди.

Аллоҳ таоло бизни қўшнисига яхшилик қилувчи бандаларидан айлсин, барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Islom.uz, Quran.ksu.edu.sa, fiqh.uz маълумотлари асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади